Адл ила олам юзин обод қил

# Куч – адолатда

2021 йил
17 декабрь,
жума
№ 50-51 (876)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси ● http://www.sud.uz ● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СЕУЛГА КЕЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 декабрь куни давлат ташрифи билан Корея Республикасига келди.***

Сеул шаҳридаги аэропортда давлатимиз раҳбарини тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди, артиллериядан тўплар отилди.

Самолёт олдида Ўзбекистон етакчисини Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари Хонг Нам Ки ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари — икки томонлама учрашув ва музокаралар бугун, 17 декабрь куни бўлиб ўтади.

**ЎзА**

## СЕУЛДА АЛИШЕР НАВОИЙ БЮСТИ ОЧИЛДИ



***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи арафасида ушбу мамлакат пойтахти — Сеул шаҳри марказида улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий бюсти очилди.***

Дунёнинг яна бир гўзал шаҳрида атоқли шоир хотирасига тикланган кўркам ёдгорликнинг очилиш маросими Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги ва давлатимиз раҳбарининг мазкур мамлакатга давлат ташрифига бағишланди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазири Агрепина Шин, Олий Мажлис депутати Виктор Пак, шунингдек, Ўзбекистон ва Жанубий Корея жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Навоий ҳазратларининг ёдгорлиги пойига илк бор гулчамбарлар қўйилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
*ЎзА мухбири*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлиси иккинчи иш куни тўғрисида АХБОРОТ

***16 декабрь куни Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.***

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган мажлисда ҳукумат аъзолари ва идоралар раҳбарлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис "O'zbekiston" ва "O'zReport" телеканаллари, Олий Мажлис Сенати расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида жонли эфирда узатилди.

Дастлаб сенаторлар Тошкент шаҳар ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳақидаги ҳисоботини эшитди.

Тошкент шаҳрини ҳар томонлама ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида Тошкент шаҳри бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 87,8 триллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 114,1 фоизга ўсган. Аҳоли жон бошига нисбатан ялпи ҳудудий маҳсулот 31,2 миллион сўмдан ортиқни ташкил этган.

Бектемир, Мирзо Улуғбек, Олмазор, Сергели, Учтепа, Чилонзор, Юнусобод, Яккасарой туманларидаги 8 та кичик саноат зонасида 1 триллион 237,3 миллиард сўмлик 582 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 239,2 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилган.

Бектемир, Учтепа, Шайхонтоҳур, Яшнобод, Янгиҳаёт туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар доирасида саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида умумий қиймати 6,8 триллион сўмлик 120 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилиб, 11 мингга яқин янги иш ўринлари яратилган.

Жами 911,9 миллион доллар миқдорида маҳсулотлар экспорт қилиниб, режа 137,2 фоизга бажарилган, экспорт географияси 80 га яқин мамлакатни қамраб олган.

Ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига асосан 221 та лойиҳа доирасида 2 триллион 946,6 миллиард сўмлик янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилган ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,5 баробарга ошган.

Шунингдек, "Рақамли Тошкент" дастури доирасида географик ахборот-таҳлил тизими — Геопортал жорий қилиниб, унга вазирлик ва идораларнинг 30 дан ортиқ ахборот тизимлари интеграция қилинган.

Шаҳар инфратузилмаси ва давлат хизматлари сифатини таъминлаш бўйича фаол жамоатчилик назоратини олиб борувчи "Халқ назорати" портали ва унинг мобиль иловаси ишга туширилган. Портал орқали фуқаролардан келиб тушган 3 мингдан ортиқ муаммоли масаланинг 2 мингдан зиёди ижобий ҳал этилган.

Тошкент шаҳрини ривожлантириш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилиши билан бир қаторда, айрим муаммолар ҳамда йўл қўйилган камчиликлар мавжудлиги ҳам қайд этилди. Жумладан:

давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарларни қоплаш бўйича 2020 йил ва 2021 йилнинг ўтган даври давомида 30 нафар мулкдорга компенсация маблағи тўлаб берилмаган;

жамоат транспортининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, айниқса, аҳоли гавжум нуқталарда йўловчиларнинг бир транспортдан иккинчи транспортга қисқа вақтда хавфсиз ўтиш имкониятини яратиш мақсадида қўшимча равишда транспорт-ўтиш боғламаларини ташкил этиш зарурати мавжуд.

Қайд этилганидек, "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик жамиятига қарашли корхоналар тасарруфидаги автобусларнинг 16,6 фоизи (196 таси) техник носозлиги боис ҳаракат мунтазамлиги таъминланмаяпти, йўловчиларнинг автобусларни кутиб туриш вақти айрим йўналишларда 25-40 дақиқани ташкил қилмоқда.

Тошкент шаҳрида оқова сувларни қабул қилиш бўйича мавжуд Салар, Бўзсув ва Бектемир иншоотларида сув тозалаш самарадорлиги лойиҳа бўйича 75 фоизни ташкил этади, бироқ бугунги кунда ушбу иншоотлар 35,5 - 51,3 фоиз қувват билан ишламоқда.

Шаҳарда қурилиш объектларининг кескин кўпайиши натижасида ҳосил бўлаётган чангларни сув сепиб бостириш чоралари етарлича кўрилмаётганлиги атмосфера ҳавосига чангларнинг меъёрдан ортиқ чиқарилишига олиб келмоқда.

(Давоми 4-бетда) ▶

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг*

**ҚАРОРИ**

2021 йил 27 ноябрь № 34 Тошкент шаҳри

## Маъмурий ишларни кассация тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида

***Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан ҳамда қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 22-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми***

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Тушунтирилсинки, маъмурий ишларнинг кассация тартибида қайта кўрилиши биринчи ва апелляция инстанцияси судлари ҳужжатларининг қонунийлиги ва асослилиги, улар томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини ва процессуал қонун талабларига риоя этилишини таъминловчи муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МСИЮтК деб юритилади) 224-моддасига мувофиқ, биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори устидан кассация тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) ҳуқуқи қуйидагиларга тегишли:

(Давоми 3-бетда) ▶

***Бугунги кунда мамлакатимизда болаларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантирилган.***

*Моҳият*

## Бола ҳуқуқлари кафолатлари

*давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади*



Хусусан, Конституция, Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Жиноят кодекси ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид нормалар ўз ифодасини топган. Бу борада кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 5-бетда) ▶

*Ҳаракатлар стратегиясидан — тараққиёт стратегияси сари*

## Адолат ва қонун устуворлиги – инсон қадр-қимматини таъминлашнинг энг асосий шарти

### Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Козимжон КОМИЛОВнинг "Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари бош муҳарририга интервьюси



**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ бўйича амалга оширилган ишлар**

***— Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида бундан беш йил олдин халқимиз билан бамаслаҳат 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Ўтган даврда ушбу стратегия асосида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.***

***Козимжон Фозилович, гап шу ҳақда борар экан, Сиз билан суҳбатимиз аввалида Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган ишлар таҳлилига тўхталишни жоиз топдик.***

***Айтинг-чи, бу йўналишдаги ислоҳотлар, энг аввало, қайси жиҳатларда кўзга ташланади?***

— Ўтган беш йиллик ҳақида гап очдингиз. Миллий тараққиётимизнинг бу йиллари қизғин ислоҳотлар даврида яшадик. Президентимиз раҳбарлигида тарихий ўзгаришларга асос солинди. Янги Ўзбекистонни қуриш, халқимизнинг кўп йиллик орзуларини рўёбга чиқариш, инсон ҳуқуқларини энг олий қадрият даражасига кўтариш, мавжуд муаммоларга ечим топиш йўлида улуғ мақсадларимизга эриша бошладик.

Одил судлов қачонки чинакам мустақил суд ҳокимияти томонидан амалга оширилса, инсон қадр-қиммати таъминланади, адолат ва қонун устуворлиги қарор топади. Шу маънода суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шартларидандир. Гап шу ҳақда кетганида, Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида илгари сурган ташаббуслар ёдга тушади.

**"Суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг муҳим кафолатидир. Судларда ишларни кўриш сифатини ошириш, айниқса, фуқаролик ишларида овора бўлиб юришларнинг олдини олиш, айнан бир инстанция судида ишни бир неча маротаба кўриб турли қарорлар қабул қилиш амалиётига чек қўйиш вақти келди"**, деган эди давлатимиз раҳбари.

Ўтган қисқа даврда судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Аввало, Ҳаракатлар стратегияси асосидаги ислоҳотлар суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судларнинг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишга замин яратди.

Сўнгги 5 йилда ушбу йўналишдаги устувор масалалар юзасидан **50 дан ортиқ** қонун, фармон ва қарор қабул қилинди. Суд тизимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ислоҳотларга мос равишда янгиланди.

Жумладан, **3 та кодекс** янгидан қабул қилинди, бошқа бир қатор кодексларга жиддий ўзгартиришлар киритилди. Янги **"Судлар тўғрисида"**ги, **"Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида"ги** ва **"Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги** қонунлар қабул қилинди. Шу ҳуқуқий асосда суд тизими тубдан такомиллаштирилди.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга қаратилган ислоҳотлар, энг аввало, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, шахснинг қонуний манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилмоқда. Бу борадаги самаралар судлар тузилмасини замон талабларига мос равишда такомиллаштириш, судларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган институционал ислоҳотлар мисолида яққол намоён бўлди.

Жумладан, Президентимизнинг **судьяларнинг ваколат муддатини узайтириш, суд ишларида адолатли қарорлар қабул қилишга қодир бўлган, юксак малакали суд ходимлари корпусини шакллантириш борасидаги беш йил олдинги ташаббуси асосида** судьялик лавозимларига номзодларни саралаш ва тайинлашнинг янги тартиб-таомиллари жорий этилди.

(Давоми 2-бетда) ▶

*Қонун кўмаги*

## Маданий мерос ҳимояда

*судда конституциявий ҳуқуқ тикланди*



*Бош қомусимизнинг 49-моддасида "Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир" дея қайд этилган.*

(Давоми 6-бетда) ▶

*Ҳуқуқ ва кафолат*

## Ундирилган маънавий зарар

*ёхуд суд-ҳуқуқ ислоҳотлари самараси*

***Конституциямизнинг 44-моддасига мувофиқ ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.***

(Давоми 5-бетда) ▶

*Ҳаракатлар стратегиясидан — тараққиёт стратегияси сари*

# Адолат ва қонун устуворлиги – инсон қадр-қимматини таъминлашнинг энг асосий шарти

## Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Козимжон КОМИЛОВнинг "Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари бош муҳарририга интервьюси

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Судлар мустақил экани ва фақат қонунга бўйсунишини таъминлашда судья лавозимида бўлишнинг илк маротаба беш йиллик, кейин ўн йиллик ва сўнг муддатсиз давр белгиланиши муҳим аҳамият касб этди. Шу билан бирга, судьяларнинг лавозимига кейинги муддатга қайта сайланиши ёки тайинланиши, ўз вазифаларини намунали адо этгач, кейинчалик ўн йилга ва ҳатто муддатсиз даврга сайланиши ёки тайинланиши рағбатлантириш манбаи бўлиб ҳам хизмат қилмоқда.

Судларни молиялаштириш тизими халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. Президентимизнинг 2021 йил 13 январдаги **"Суд органлари фаолиятини молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги фармонига мувофиқ, судья ва суд органлари ходимларининг иш ҳақлари ҳамда қўшимча тўловлари тўлиқ **давлат бюджети маблағлари ҳисобидан** молиялаштирилмоқда.

Судьяларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилди. Бу ҳам, албатта, суд мустақиллигини таъминловчи муҳим кафолатлардандир.

Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ва суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш масаласи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бинобарин, Президентимизнинг 2020 йил 7 декабрдаги **"Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги фармонига мувофиқ, судьянинг одил судлов билан боғлиқ фаолиятига ҳар қандай аралашувнинг олдини олиш мақсадида:

**биринчидан,** судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик ҳолатлари юзасидан Кенгаш раиси томонидан прокуратура органларига тақдимнома киритиш;

**иккинчидан,** судьяларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун чақиришга тегишли малака ҳайъатлари розилиги билан йўл қўйиш тартиби ўрнатилди.

Ислоҳотлар аввалида ягона суд амалиётини йўлга қўйиш мақсадида Олий суд ва Олий хўжалик суди фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Олий судга бирлаштирилгани ўз самарасини берди.

Шу муносабат билан вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида **судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ҳолда,** вилоят даражасидаги **умумюрисдикция судлари** ташкил этилди. Таъкидлаш лозимки, бу амалиёт суд ҳимоясини таъминлашдаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга, суд органларининг амалдаги тузилишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилмоқда.

***— Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш борасида ҳам кенг миқёсли ишлар амалга оширилди. Бугун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси таъминлангани ҳақида сўз борганида шу ва бошқа ислоҳотларни таҳлил қилиш имконига эгамиз. Шундай экан, бу борадаги таъсирчан чора-тадбирлар мазмун-моҳияти ҳақида ҳам батафсил гапириб берсангиз.***

— Бу кўп йиллар халқимиз орзиқиб кутган жуда муҳим ислоҳот бўлди. Одил судловни амалга ошириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш судларнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Бу борада ўтган даврда комплекс чора-тадбирлар кўрилди. Жумладан, илк бор давлат органлари қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатини таъминлашга хизмат қиладиган **маъмурий судлар** ташкил этилди.

Мисол учун, 2017-2020 йиллар ва 2021 йилнинг 9 ойи мобайнида маъмурий судлар томонидан 67 минг 990 та ариза кўрилиб, шундан 44 минг 388 таси, яъни 65 фоизи қаноатлантирилган. Ҳокимларнинг 5 минг 478 та қарори ҳақиқий эмас, деб топилиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги яна бир муҳим ислоҳот — "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашни янада кучайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бу, ўз навбатида, иш бўйича барча ҳолатлар суд томонидан ҳар томонлама текширилиб, далилларга холисона баҳо берилишига, натижада оқлов ҳукмлари кўпайишига асос яратди.

Хусусан, ўтган 5 йилда **3 минг 513 нафар,** фақат 2021 йилнинг 9 ойида 743 нафар фуқарога нисбатан **оқлов ҳукми** чиқарилган. Шунингдек, 18 026 нафар шахс суд залидан озод қилиниб, 33 минг 515 фуқарога нисбатан **асоссиз қўйилган моддалар айбловлардан чиқарилган** ёки ўзгартирилган.

Бир қарашда ушбу кўрсаткичлар оддий рақамлар бўлиб кўриниши мумкин. Лекин ноҳақ айбланган шунча инсоннинг оиласи бағрига қайтишини, озодликка чиқишини кўз олдимизга келтириб кўрсак, албатта, ислоҳотлар самараси оддий бир инсон тақдирида қандай акс этганини аниқ тасаввур қиламиз.

**Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг яққол натижасидир. Зеро, эркинлик — инсон учун энг олий неъмат.**

Бу борадаги яна бир муҳим ислоҳот — **инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш мақсадида суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилганидир.** Эътибор беринг, 2017 йилга қадар **7 та** суд инстанциясида суд қарорлари қайта кўриб чиқилган бўлса, кейинги уч йилда бу инстанциялар сони **3 тага** қисқартирилди.

Суд инстанциялари қисқартирилиши нима дегани? Бу, албатта, бузилган ҳуқуқнинг тезроқ муддатда ортиқча оворагарчилик ва сарф-харажатларсиз самарали тикланишини англатади.

**Шу сабабли халқаро стандартларга мос равишда уч босқичли суд тизими яратилди: биринчи инстанция** (туман (шаҳар) судлари, айрим тоифадаги мураккаб ишлар бўйича — вилоят судлари), **апелляция инстанцияси** (вилоят даражасидаги судлар) ва **кассация инстанцияси** (Олий суд) дан иборат бўлган **"Бир суд — бир инстанция" тамойили** жорий қилинди.

Халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг эътирозига сабаб бўлаётган **назорат инстанцияси тўлиқ бекор қилинди.**

"Бир суд — бир инстанция" тамойилининг жорий этилиши натижасида фуқароларнинг одил судловга эришиш даражаси ошаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Суд процессида тортишувлик принципини ҳамда тарафларнинг тенглигини таъминлаш мақсадида судланувчи, жабрланувчи ва уларнинг вакиллари томонидан кассация тартибида берилган шикоятнинг мақоми прокурорнинг протести билан тенглаштирилди.

Хусусан, жиноят процессида аввал янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш фақат прокурорнинг ташаббусига кўра амалга оширилган бўлса, энди бундай ҳуқуқ жиноят процессининг бошқа иштирокчилари, яъни маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, жабрланувчи ва унинг вакилига ҳам берилди. Улар судга янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатиш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқига эга бўлди.

***— Ҳаракатлар стратегиясида маъмурий, жиноят, фуқаролик ва иқтисодий қонунчиликни такомиллаштириш ҳам кўзда тутилган эди. Бу жараёнда бугун Ўзбекистонда қандай тизим мавжуд?***

— Тўғри таъкидлаганингиздек, Ҳаракатлар стратегиясида бу борада тўртта муҳим жиҳат белгиланган эди.

**Биринчи** — жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш.

**Иккинчи** — одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва иқтисодий суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш.

**Учинчи** — жиноят, фуқаролик ва иқтисодий ишларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, бир-бирини такрорлайдиган ваколат ва инстанцияларни қисқартириш.

**Тўртинчи** — электрон тартибда суд ва ижро ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш.

Ана шу мақсадларни амалга ошириш йўлида, аввало, **янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекс ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс қабул қилинди.** Уларда суд ишларини юритишга оид процессуал тартиблар халқаро стандартга мос равишда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур таҳлил қилган ҳолда, илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштирилди ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга оид янги нормалар киритилди.

Фуқаролик ва иқтисодий ишларни кўришда прокурор иштироки билан боғлиқ нормалар халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. Прокурор қонунда назарда тутилган ёки ўзининг даъво аризаси асосида қўзғатилган ишлардагина иштирок этиши, иш бўйича тарафларнинг мурожаатлари мавжуд бўлган тақдирда кассация протестини киритиш масаласини ҳал қилиш учун суддан ишни талаб қилиб олишга ҳақли экани белгиланди.

"Медиация тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Унда судгача фуқаролик ишлари ва иқтисодий низоларни ҳал этишнинг асосий тушунчалари, мақсадлари, вазифалари, механизмлари белгиланди.

Суд ишларини юритишга янги институтлар киритилди, мавжудлари такомиллаштирилди. Жумладан, жиноят процессида ярашув институти кенгайтирилиб, у барча инстанцияларда қўлланиладиган бўлди.

Жиноят иши бўйича — дастлабки эшитув, фуқаролик ва иқтисодий судларда — судгача мажлис, соддалаштирилган тартибда иш юритиш, медиация институтлари жорий қилинди. Терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокамаси жараёнида тўлдириш механизмларини жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишини қўшимча тергов юритишга қайтариш институти бекор қилинди. Қамоқ тарзидаги жиноий жазо тури тугатилиб, унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг муқобил турларини қўллаш имконияти кенгайтирилди ва далилларга баҳо бериш институти тубдан такомиллаштирилди.

Вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш, процессуал ҳаракатларни ўтказишда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш чоралари кўрилди.

Қилмишнинг жиноийлигини истисно этадиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонунни қўллаш тартиби белгиланди.

Судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва олиб ташланишининг амалдаги муддатлари қисқартирилди. Ярашув муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти кенгайтирилди. Ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш орқали тарбиявий таъсир кўрсатиш чораларини кучайтиришга қаратилган "мажбурий жамоат ишлари" жиноий жазоси киритилди.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган, бозор муносабатлари асосларига мувофиқ келмайдиган ҳамда тадбиркорликнинг ривожланишини ва иқтисодий айланмани тўхтатиб турувчи айрим иқтисодий жиноятлар декриминаллаштирилди. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичига "дастлабки эшитув" институти жорий этилди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг шаффофлиги ҳамда самарадорлигини ошириш, иқтисодиётнинг ривожланиши ҳолати, замонавий талаблардан, халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб этишни назарда тутган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди.

Мазкур концепция асосида Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳалари тайёрланди. Уларда:

жиноят қонунчилиги нормаларини унификация қилиш; жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш;

фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг таъсирчан ва ишончли муҳофаза қилинишини таъминлаш; жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини тизимлаштириш ва уйғунлаштириш;

жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини ишончли таъминлаш механизмларини такомиллаштириш;

жиноят процессининг янги шакл ва тартиб-таомилларини киритиш назарда тутилган.

Маҳкумлар ҳуқуқларини таъминлашнинг қўшимча механизмларини жорий этиш, пенитенциар тизимда халқаро стандартларни кенг жорий этиш мақсадида 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди.

Жумладан, концепцияда:

жиноят-ижроия қонунчилиги нормаларини унификация қилиш, тизимлаштириш ва уйғунлаштириш; маҳкумлар ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишини, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги механизмларини жорий этиш;

маҳкумлар онгида қонунга итоаткор хулқ-атворни, инсонга, меҳнатга, ижтимоий турмуш қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантириш тизимини такомиллаштириш;

умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос равишда маҳкумлар ҳуқуқлари доирасини янада кенгайтириш;

маҳкумлар, биринчи навбатда, вояга етмаганлар ва ёшларнинг таълим олиши, касбий тайёргарлигини ташкил этиш ҳамда бандлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш;

озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш механизмларини тубдан қайта кўриб чиқиш, шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат самарадорлигини ошириш;

жазони ижро этиш муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, уларнинг озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилган шахсларни ижтимоий мослаштиришда фуқаролик жамияти институтлари билан узвий ҳамкорлигини таъминлаш белгиланди.

Бу каби ислоҳотлар самарасида халқимизнинг одил судловга бўлган ишончи мустаҳкамланди.

***— Янги Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ишини самарали режалаштириш, ҳуқуқбузарликларни аниқлашдан кўра, уларга имконият яратаётган сабаб ва шароитларни бартараф этиш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимлари малакасини ошириш, уларни халққа яқинлаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини юксалтириш, пировардида фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу каби янги механизмлар самарадорлиги бугун нималарда кўзга ташланади? Ҳаётимизнинг қайси жабҳаларида сезилмоқда?***

— Судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашда очиқ, ошкора ва муқобил танлов тизимини яратиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида судьялар ҳамжамияти органи сифатида суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Судьялар олий кенгаши ташкил этилгани бу борада ғоят муҳим аҳамият касб этди.

Кенгаш таркибининг камида ярмини судьялар ҳисобидан шакллантириш, унга фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассисларни киритиш тартиби белгиланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кенгаш таркибидан чиқарилди.

Судьялик лавозимларига номзодларни, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш янада такомиллаштирилди. Судьялар олий мактаби ташкил этилди. Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимининг асосий вазифалари белгиланди. Хусусан:

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш;

судьялик лавозимларига номзодларда назарий билимлар, касбий этика, психология, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмалари, музокаралар олиб бориш тактикаси, ахборот билан ишлаш технологияси, ҳуқуқ нормаларига шарҳ бериш ва қўллашни ривожлантириш;

судьялик лавозимларига номзодлар стажировка ўташининг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш, шу жумладан, илмий-тадқиқот фаолияти ва ўқув жараёни билан узвий боғлиқлигини таъминлаш;

иш юритиш ва танқидий таҳлил қилиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда асосланган қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирадиган интерфаол ўқитиш услубларини таълим жараёнига жорий этиш;

судьялик лавозимларига номзодларни қонунчиликдаги долзарб янгиликлар, мамлакатимиз ва хориждаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда норма ижодкорлиги фаолияти ҳолати ва тенденциялари билан таништириш ана шундай вазифалар жумласига киради.

2019 йил 10 январдан бошлаб: судьялик фаолиятини амалга ошириш ва судлар ишини ташкил этиш, касбий этика, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмаларини ўқитишга, суд кадрларининг илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятини шакллантиришга қаратилган, грант асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича амалга ошириладиган судьялик лавозимларини эгаллаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

касбий билимларни чуқурлаштириш ва суд маъмуриятчилигини юритиш кўникмаларини эгаллашга, шунингдек, иш ва бошқарувни ташкил этишнинг инновацион шакл ва услубларини ўзлаштиришга қаратилган, давомийлиги икки ой бўлган, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш;

қонунчиликдаги янгиликларнинг мазмун ва моҳиятини етказишга, касбий, жумладан, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллаш масалаларига доир кўникма ва қобилиятларни такомиллаштиришга қаратилган, давомийлиги икки ҳафтадан кам бўлмаган, судьялар ва судлар аппарати ходимлари малакасини ошириш тартиблари жорий этилди.

Бу ҳам ўтган беш йиллик тараққиётимиз, хусусан, фуқаролик жамиятини барпо этишдек улуғвор мақсадларимизга эришиш йўлидаги муҳим қадамлардан бўлди десак, асло муболаға қилмаган бўламиз.

***— Президентимиз "Янги Ўзбекистон стратегияси" китоби муқаддимасида "Дунёда ҳеч қачон бир хил тонг отган эмас. Мазкур ибора пайдо бўлганидан буён минг йиллар ўтди. Бу бутун коинот, табиат ва башарият доимий ўзгаришда, янгиланишда дегандир. Дарҳақиқат, инсоният ҳам ана шу азалий қонуният асосида яшайди ва ҳаёт кечиради. Ҳар қандай янгиланишнинг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш хусусияти шундай", деган фалсафий фикр билдирган. Бугун янги Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврига ўтиш чоғида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг навбатдаги мақсадлари қандай бўлиши ҳақида нима дейсиз?***

— Бу саволга жавобни Президентимизнинг **"Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар ҳеч қачон ортга қайтмайди"** деган ишончли ва бахтли келажагимизга даъваткор гапи билан бошлайман.

Бугун давлатимиз раҳбари **"Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари"** тамойилини асосий ғоя ва бош мезон сифатида кун тартибига қўйган. Бунда биз ўтган беш йилда ҳаётимизга теран татбиқ этган қамровдор ва тизимли ислоҳотларнинг узвийлиги ҳамда давомийлигини таъминлаш мақсади кўзда тутилмоқда.

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг навбатдаги мақсадлари ҳақида сўрадингиз. Бунга жавобан айтиш мумкинки, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида суд тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг Конституция куни муносабати билан байрам табригида айтилганидек, "Айни вақтда биз Конституциямиз нормаларини ҳаётга тўла татбиқ этиш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг қадр-қимматини янада самарали таъминлаш борасида ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини яхши тасаввур қиламиз. Олдимизда турган вазифаларни амалга ошириш учун Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида кенг кўламли ислоҳотларимизни изчил давом эттирамиз".

Юқорида таъкидланганидек, ўтган даврда соҳада кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Лекин биз соҳадаги барча муаммолар ўз ечимини топди, деб айта олмаймиз. Суд тизими олдида халқнинг судга тўлақонли ишончига эришиш, уларни **суддан рози қилиш** йўлида муҳим вазифа ва мақсадлар турибди. Айниқса, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмларини замонга мос равишда, халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириб бориш биринчи навбатдаги вазифадир.

Шу билан бирга, мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кескин ўзгаришлар, глобаллашув шароитида ижтимоий муносабатлар тобора кенгайиб бораётгани давлатимизда **қонун устуворлигини ва адолатни таъминлаш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш** ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда. Бу суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини оширишга қаратилган мутлақо янги босқични бошлашни ҳаётий заруратга айлантирмоқда.

Ислоҳотларнинг янги босқичида **судларни ҳақиқий халқ судига,** инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, тадбиркорлар қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоячисига айлантириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб олинган.

Шу нуқтаи назардан, одил судлов соҳасидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш, соҳани янада такомиллаштириш, айниқса, судья лавозимига кадрларни тарбиялаш, танлаш ва жой-жойига қўйиш, судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш муҳим стратегик аҳамиятга эга вазифалар ҳисобланади.

Президентимиз таъкидлаганидек, **"адолат ва қонун устуворлиги — халқчил давлат қуриш, инсон қадр-қимматини таъминлашнинг энг асосий ва зарур шартидир".** Зеро, адолат давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворидир. Жамиятда адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Фақатгина мустақил суд ҳокимияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний ва адолатли ҳимоя қилиши мумкин.

***— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.***

**Салим ДОНИЁРОВ суҳбатлашди.**

*(«Янги Ўзбекистон» газетасининг 2021 йил 15 декабрь сонидан олинди.)*

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг*

**ҚАРОРИ**

# Маъмурий ишларни кассация тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

аризачи, жавобгар, учинчи шахс, уларнинг вакилларига;

тарафлар ва учинчи шахсларнинг ҳуқуқий ворисларига;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилига, бундан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар мустасно;

фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ариза берган давлат органлари ва бошқа шахсларга (МСИЮтК 47-моддасининг биринчи қисми);

ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахсга;

прокурорга.

Ишда иштирок этувчи шахснинг вакили, шу жумладан, адвокат, агар бундай ҳуқуқ ваколат берувчи томонидан берилган ишончномада махсус кўрсатилган бўлсагина, суд ҳужжати устидан кассация тартибида шикоят қилишга ҳақли (МСИЮтК 62-моддасининг иккинчи қисми).

Ишда иштирок этувчи шахснинг ҳуқуқий вориси томонидан берилган кассация шикоятига ҳуқуқ ўтганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши керак.

Прокурор ўзининг иштирокида кўрилган иш бўйича кассация протести келтиришга (МСИЮтК 224-моддаси), прокурор иштирокисиз кўрилган иш бўйича эса, тарафларнинг мурожаати мавжуд бўлганда кассация протести келтиришга (МСИЮтК $230^{1}$-моддаси) ҳақли.

3. Қонунга мувофиқ, кассация шикояти (протести) апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир йил ичида бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига берилади (МСИЮтК 226-моддаси, 227-моддасининг биринчи қисми).

4. МСИЮтК 116-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, кассация шикояти (протести) бериш муддати апелляция инстанцияси суди қарори қабул қилинган куннинг эртасидан бошлаб ҳисобланади ва мазкур муддат охирги ойининг тегишли санасида тугайди. Бунда апелляция инстанцияси судининг мажлисида фақат суд ҳужжатининг хулоса қисми эълон қилиниши кассация шикояти (протести) бериш муддати ҳисобланишига таъсир кўрсатмайди, лекин уни тиклаш ҳақидаги илтимосномани ҳал қилишда инобатга олинади.

Агар кассация шикояти (протести) почта орқали процессуал муддатнинг охирги куни соат йигирма тўртга қадар жўнатилган бўлса, муддат ўтмаган ҳисобланади. Бундай ҳолда кассация шикояти (протести) бериш санаси алоқа хати қабул қилинганлигини тасдиқловчи конвертдаги штамп, буюртма хат қабул қилинганлиги ҳақидаги квитанция ёхуд бошқа ҳужжат бўйича белгиланади.

5. Кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддати кассация инстанцияси судининг судьяси томонидан манфаатдор шахс илтимосномаси бўйича, башарти у кассация шикояти (протести) бериш муддати ўтган кундан эътиборан уч ойдан кечиктирмай берилган ва муддат ўтказиб юборилиши сабаблари узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин (МСИЮтК 227-моддасининг иккинчи қисми).

Кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосснома кассация шикояти (протести) билан бирга берилади. Қайд этилган процессуал муддатни тиклаш ҳақидаги илтимос бевосита кассация шикоятида (протестида) бўлиши мумкин.

6. Шуни назарда тутиш лозимки, процессуал ҳаракатларни амалга оширишга объектив тўсқинлик қилувчи ҳолатлар узрли сабабларга киритилиши мумкин (масалан, фавқулодда ҳолатлар, сув тошқинлари, эпидемиялар, пандемия, карантин, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида суд қарор қабул қилган шахснинг суд ҳужжатидан бехабарлиги).

Жисмоний шахснинг касаллиги, ноилож аҳволи, унинг оилавий аҳволи (оила аъзоларининг ўлими ёки оғир касаллиги), шунингдек, бошқа ҳолатлар, агар улар қонунда белгиланган муддатда кассация шикояти беришни истисно этган ёхуд жиддий тарзда қийинлаштирган бўлса, узрли ҳолатлар деб топилиши мумкин.

Юридик шахс вакилининг хизмат сафарида, меҳнат таътилида бўлиши, ҳуқуқшуносининг бўлмаслиги, вакилнинг ёрдами учун тўлашга ёки давлат божини тўлашга пул маблағларининг мавжуд эмаслиги юридик шахс томонидан кассация шикояти бериш муддати ўтказилганлигининг узрли сабаблари сифатида кўрилиши мумкин эмас.

7. Кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги масала кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш масаласи кўриб чиқилаётганда муҳокама қилинади.

Муддат ўтказилганлиги муносабати билан кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш ҳақидаги судьянинг ажрими устидан МСИЮтК 248-моддасида назарда тутилган тартибда шикоят (протест) берилиши мумкин.

8. МСИЮтК 228-моддасида кассация шикоятининг (протестининг) шакли ва мазмунига доир талаблар белгиланган, шу муносабат билан кассация шикояти (протести) келиб тушганидан сўнг, судья кассация шикояти (протести) берган шахс томонидан процессуал қонуннинг ушбу талабларига риоя қилинганлигини текширади.

Кассация шикояти (протести) ва унга илова қилинган ҳужжатлар нусхаларини ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилиши ёки топширилиши қонун бўйича кассация шикояти (протести) берган шахснинг мажбуриятига киритилган ва буюртма хат юборилганлиги ҳақидаги квитанция, улар қабул қилинганлиги ҳақидаги тилхат ва бошқалар билан тасдиқланади.

Агар кассация шикояти (протести) МСИЮтК 228-моддаси биринчи қисми ва иккинчи қисмининг 1-5-бандларида назарда тутилган талаблар бузилган ҳолда берилган ёки унга унинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилганлигига доир далиллар илова қилинмаган бўлса, судья кассация шикоятини (протестини) қайтаради.

9. Қонунга кўра (МСИЮтК 230-моддаси), кассация шикоятига:

давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга кассация шикоятининг ва унга илова қилинган, ушбу шахсларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини ёки топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

кассация шикояти вакил томонидан имзоланган тақдирда, кассация шикоятига вакилнинг имзолаш ваколатини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши керак.

Кассация протестига ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга кассация протести ва унга илова қилинган, ушбу шахсларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини ёки топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Аризани (шикоятни) қайтариш тўғрисидаги, аризани (шикоятни) қабул қилишни рад этиш ҳақидаги, апелляция шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисидаги ва апелляция шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажрим устидан берилган кассация шикоятига (протестига) қайтарилган ариза, шикоят (протест) ва судга тақдим этиш чоғида уларга илова қилинган ҳужжатлар ҳам илова қилиниши керак.

10. Кассация шикояти берган шахс томонидан давлат божи тўлашнинг қонун билан белгиланган тартиби ва миқдорларига риоя қилинганлиги ҳақидаги масалани ҳал қилишда судья "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 5-моддасининг 3-банди, 10-моддаси ва қайд этилган Қонунга илова "Давлат божи ставкаларининг миқдорлари"га амал қилиши лозим.

Давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ҳақидаги илтимоснома судья томонидан кассация шикоятини қабул қилишда ҳал қилиниши лозим.

11. Тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси кассация шикояти (протести) бўйича ишни суддан талаб қилиб олишга ҳақли.

Ишни талаб қилиб олиш ҳақидаги масала судья томонидан кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда ҳал қилинади.

12. Келиб тушган кассация шикояти (протести) кассация инстанцияси судининг судьяси томонидан ўрганиб чиқилади ва у беш кунлик муддатда МСИЮтК 231-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш ва ишни талаб қилиб олиш тўғрисида;

кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш тўғрисида;

кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисида.

Кассация шикоятини (протестини) ўрганиш натижалари бўйича чиқарилган ажримнинг кўчирма нусхаси беш кунлик муддатда кассация шикоятини (протестини) берган шахсга юборилади.

13. Кассация шикоятини (протестини) кассация инстанцияси суди иш юритувига қабул қилиш тўғрисидаги судьянинг ажрими МСИЮтК 232-моддасининг иккинчи қисми талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

14. Шуни назарда тутиш лозимки, МСИЮтК 233 ва 234-моддаларида назарда тутилмаган асослар бўйича кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки қайтаришга йўл қўйилмайди.

Кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш, қайтариш тўғрисидаги ажримда МСИЮтК тегишли нормаси (моддаси ва муайян банди) кўрсатилиши, шунингдек, кассация шикоятини бериш чоғида тўланган давлат божини қайтариш тўғрисидаги масала ҳал этилиши лозим.

Кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш тўғрисидаги ажрим бекор қилинган ҳолда, у судга дастлаб тақдим этилган кунда берилган ҳисобланади.

15. Қонунга кўра (МСИЮтК $234^{1}$-моддаси), кассация шикоятини (протестини) суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисидаги масала иш судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай ҳал қилинади.

Кассация шикоятини (протестини) суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисидаги ажримда суд мажлисини ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади ҳамда бу ҳақда ишда иштирок этувчи шахслар, иш кассация протести бўйича кўрилаётганда эса, прокурор ҳам хабардор этилади.

Агар суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказиладиган бўлса, бу ҳақда кассация шикоятини (протестини) суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисидаги ажримда кўрсатилади ва у ишда иштирок этувчи шахсларга ҳамда видеоконференцалоқа ўтказилишига кўмаклашадиган тегишли судга юборилади (МСИЮтК 144-моддасининг иккинчи қисми).

16. Шуни назарда тутиш лозимки, ишда иштирок этувчи шахс кассация шикоятининг (протестининг) кўчирма нусхасини олганидан сўнг, унга нисбатан ёзма фикр юборишга ва ёзма фикрнинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилишга ҳақли.

Кассация шикояти (протести) бўйича ёзма фикр суд мажлисида ҳам берилиши мумкин.

17. Ишда иштирок этувчи шахслар илтимосномаси мавжуд бўлганда, судья МСИЮтК 236-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, суд ҳужжатлари ижросини иш бўйича кассация инстанцияси судида иш юритиш тамомлангунига қадар тўхтатиб туришга ҳақли.

Суд ҳужжати ижросини тўхтатиб туриш ёки унинг ижросини тўхтатиб туришни рад этиш ҳақида судья кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда ёхуд алоҳида ажримда кўрсатиши мумкин.

Суд ҳужжатлари ижросини тўхтатиб туришни бекор қилиш тўғрисида ишни мазмунан кўриш натижалари бўйича кассация инстанцияси суди қарорининг хулоса қисмида ёхуд кассация инстанцияси судининг алоҳида ажримида кўрсатилиши лозим.

Зарур ҳолларда судья (суд) ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра, кассация инстанцияси судида иш юритиш тамомлангунига қадар иш бўйича МСИЮтК 93-моддасида назарда тутилган дастлабки ҳимоя чораларини қўллашга ҳақли.

18. Шуни назарда тутиш лозимки, қонунда кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш ва кассация шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш учун турлича асослар назарда тутилган бўлиб, уларнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳам жиддий фарқ қилади.

Хусусан, кассация шикояти (протести) МСИЮтК 237-моддасида назарда тутилган асослар бўйича кўрмасдан қолдирилганда, кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф қилингандан сўнг, шикоят (протест) янгидан тақдим этилиши мумкин. МСИЮтК 238-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича кассация шикояти (протести) бўйича иш юритиш тугатилганда, айни бир шахс томонидан айни шу асослар бўйича такроран берилган кассация шикояти (протести) кўрмасдан қайтарилади.

Кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш, кассация шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида суд ажрим чиқаради.

19. Кассация инстанцияси суди томонидан иш МСИЮтК 239-моддасида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Қонунда суд томонидан ишни кассация тартибида кўриш вақти ва жойи ҳақида ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиниши шартлиги белгиланганлиги сабабли, ушбу талабнинг бажарилмаганлиги суд муҳокамаси кейинга қолдирилишига олиб келади.

Шуни назарда тутиш лозимки, агар кассация инстанцияси суди ишда иштирок этувчи шахслардан бирортаси суд мажлисига келмаганлигини узрли деб топса, улар тегишли тартибда хабардор қилинганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда ҳам ишнинг муҳокамасини кейинга қолдиришга ҳақли.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг суд мажлисига келмаганлиги узрсиз деб топилган ҳолда, кассация инстанцияси суди кассация шикояти (протести) бўйича ишни уларнинг иштирокисиз кўришга ҳақли.

20. МСИЮтК 240-моддасига мувофиқ, кассация шикояти берган шахс суд ҳужжати чиқарилгунига қадар шикоятдан воз кечишга, протест келтирган прокурор ва юқори турувчи прокурор протестни чақириб олишга ҳақли.

Шикоятдан воз кечиш (протестни чақириб олиш) муносабати билан кассация шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш масаласи кассация инстанцияси суди томонидан суд мажлисида ҳал қилинади. Бунда суд шикоятдан воз кечган (протестни чақириб олган) шахснинг ваколатини текшириши шарт. МСИЮтК 62-моддаси мазмунига кўра, ишда иштирок этувчи шахснинг вакили, агар ишончномада бундай ҳуқуқ махсус кўрсатилмаган бўлса, кассация шикоятидан воз кечишга ҳақли эмас.

Агар кассация шикоятидан воз кечиш қонунга зид бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса, суд шикоятдан воз кечишни рад этишга ва ишни кассация тартибида кўришга ҳақли.

Шикоятдан воз кечиш қаноатлантирилган, шунингдек, протест қайтариб олинган ҳолларда, кассация инстанцияси суди иш бўйича кассация тартибида иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради, иш бўйича бошқа шикоят (протест) мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно.

21. Тушунтирилсинки, ишни кассация тартибида кўришда суд янги далилларни текшириш ва янги фактларни аниқлашга ҳақли бўлмасдан, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлиги ва процессуал қонун талабларига риоя қилинганлигини иш материаллари бўйича текширади.

Биринчи инстанция судида кўриб чиқиш предмети бўлмаган янги талаблар кассация инстанцияси суди томонидан қабул қилинмайди ва кўрилмайди.

Агар ишни кўриш чоғида суд ҳужжатлари иш ҳолатлари ҳар томонлама ва тўлиқ ҳамда иш бўйича далиллар текширилмасдан чиқарилганлиги аниқланса, кассация инстанцияси суди МСИЮтК 244-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига амал қилган ҳолда, иш бўйича чиқарилган суд қарорларини бекор қилишга ва ишни биринчи ёки апелляция инстанцияси судига янгидан кўриш учун юборишга ҳақли.

22. МСИЮтК 242-моддасига мувофиқ, кассация шикояти (протести) бўйича иш кассация инстанцияси суди томонидан ишни муҳокамага тайинлаш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўрилади.

Алоҳида ҳолларда кассация шикоятини (протестини) кўриш муддати кассация инстанцияси суди ажрими билан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин (МСИЮтК 242-моддасининг иккинчи қисми).

23. Қонунга кўра, ишни кассация тартибида кўришда қуйидагилар аниқланиши лозим:

суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарорида баён қилинган хулосаларининг иш ҳолатларига мувофиқлиги;

моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлиги ва (ёки) процессуал қонун талабларига амал қилинганлиги;

биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан қабул қилинган суд ҳужжатларининг мазмун ва шакл жиҳатидан қонун талабларига мувофиқлиги.

24. Кассация инстанцияси суди томонидан иш юритишни тўхтатиб туриш МСИЮтК 9-бобида назарда тутилган асослар ва тартибда амалга оширилади.

Иш юритиш тикланганлиги тўғрисида кассация инстанцияси суди ажрим чиқаради ва суд муҳокамаси куни тўғрисида ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилади.

25. Кассация шикоятини (протестини) мазмунан кўриш натижаси бўйича кассация инстанцияси суди қарор қабул қилади.

Кассация инстанцияси суди қарори ишни кўриш тугаши биланоқ дарҳол қабул қилинади. Айрим ҳолларда асослантирилган қарорни тайёрлаш беш кунгача бўлган муддатга кечиктирилиши мумкин, бироқ унинг қарор қисмини суд ўша суд мажлисининг ўзида эълон қилиши керак.

Кассация инстанцияси суди қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

26. Кассация инстанцияси суди кассация шикоятидаги (протестидаги) ҳар бир важни, унинг асосли ёхуд асоссизлиги ҳақидаги хулосани қарорда баён этган ҳолда, муҳокама қилишга мажбур.

Кассация инстанцияси суди қарорининг хулоса қисмида ишни шикоят (протест) бўйича кўриш натижалари тўғрисидаги хулосалар, шунингдек, суд харажатлари тақсимланиши кўрсатилиши керак.

Суд қарори ўқиб эшиттирилганидан сўнг, суд мажлисида иштирок этувчи шахсларга қабул қилинган қарорнинг мазмун-моҳияти, унинг устидан шикоят бериш тартиби, шунингдек, суд мажлиси баённомаси билан танишиш муддати тушунтирилади.

27. МСИЮтК 244-моддасига мувофиқ, суд ҳужжатларини кассация тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги;

суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;

ҳал қилув қарорида баён этилган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;

моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги.

28. Моддий ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш деганда, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан қўлланилиши лозим бўлган қонун ёки бошқа қонунчилик ҳужжатини қўлламаслик ёхуд қўлланилиши лозим бўлмаган қонун ёки бошқа қонунчилик ҳужжатини қўллаш ёхуд қонун ёки бошқа қонунчилик ҳужжати нотўғри талқин қилинганлиги тушунилиши керак.

Шуни назарда тутиш лозимки, процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши, бу фақат ишни нотўғри

ҳал этилишига олиб келгандагина, суд ҳужжатларини бекор қилишга асос бўлади, МСИЮтК 244-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

29. МСИЮтК 243-моддасига мувофиқ, кассация инстанцияси суди қуйидагиларга ҳақли:

ҳал қилув қарори, қарорни ўзгаришсиз, кассация шикоятини (протестини) эса қаноатлантирмасдан қолдиришга;

ҳал қилув қарори, қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юбормасдан янги қарор қабул қилишга;

ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартиришга;

ҳал қилув қарорини, қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва иш юритишни тугатишга ёхуд аризани (шикоятни) тўлиқ ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;

ҳал қилув қарорини, қарорни бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юборишга;

суд ҳужжатларининг баъзиларини бекор қилишга ва иш бўйича илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бирини ўз кучида қолдиришга.

30. Кассация инстанцияси суди, агар биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан суд ҳужжатлари қонунга мувофиқ чиқарилган деган хулосага келса, шикоятни (протестни) қаноатлантирмасдан қолдиришга, ҳал қилув қарори, ажрим, қарорни эса, ўзгаришсиз қолдиришга ҳақли.

31. Шуни назарда тутиш лозимки, МСИЮтК 244-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган асослардан бирор-бири аниқланганда, кассация инстанцияси суди суд ҳужжатларини бекор қилиши ва ишни янгидан кўриш учун биринчи ёки апелляция инстанцияси судига юбориши шарт.

32. Кассация инстанцияси суди МСИЮтК 105 ва 108-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича ҳал қилув қарори, қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга, аризани кўрмасдан қолдиришга ёхуд иш юритишни тугатишга шундай қарор қабул қилинишига сабаб бўлувчи ҳолатлар аниқланган бўлса, ҳақлидир.

33. Шуни назарда тутиш лозимки, суд харажатларини тақсимлаш масаласининг ҳал этилмаслиги ёки нотўғри ҳал этилиши, ўз-ўзидан суд ҳужжатларини бекор қилишга ёхуд ўзгартиришга асос бўлмайди. Бундай ҳолда кассация инстанцияси суди қарорининг хулоса қисмида суд харажатларини МСИЮтК 115-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича тақсимлаш ҳақида кўрсатилади.

34. Кассация инстанцияси суди МСИЮтК 163, 164-моддаларида назарда тутилган ҳолларда:

қарорни тушунтиришга;

қарор матнида йўл қўйилган хатоларни ва арифметик хатоларни тузатишга ҳақли.

**(Давоми 4-бетда)** ▶

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлиси иккинчи иш куни тўғрисида

## АХБОРОТ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Жорий ўқув йилида Тошкент шаҳридаги 25 та умумтаълим мактаби 2,1 коэффициентдан юқори қувват билан фаолият юритмоқда, 2026 йилда мактаб ёшидаги болалар сони 496,1 мингга етиши кутилаётганлиги боис янги мактаблар қуришга эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда.

Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар даражаси 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 3 баробарга ортган.

Сўнгги йилларда ахборот технологияларининг жадал ривожланиши билан бирга, фирибгарлик жиноятининг янги турлари ҳам келиб чиқмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида Тошкент шаҳрида ахборот технологиялари соҳасида жами 580 та жиноят содир этилган бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13 баробарга ошган.

Психотроп ҳамда кучли таъсир этувчи моддалар, назорат остидаги дори-дармонларнинг аҳоли орасида ноқонуний муомаласи кескин авж олиб бораётганлиги криминоген вазиятга жиддий таҳдид солмоқда. Ички ишлар органлари томонидан 59 та дорихонада ўтказилган тадбирлар давомида жами 66 минг донадан ортиқ турли хилдаги кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг ноқонуний сотилиши ҳолатлари аниқланганлиги бунинг яққол тасдиғидир.

Мажлисда сенаторлар томонидан мавжуд муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўриш зарурлиги таъкидланиб, мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланди ва муҳокама этилди.

Муҳокама якунида Тошкент шаҳрида ўз ечимини кутиб турган муаммоли масалаларни бартараф этиш бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг ялпи мажлисда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати юзасидан Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама қилинди.

Таъкидланишича, сенаторлар томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилиши ҳудудлар кесимида ўрганиб чиқилган.

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан бу борада қатор ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида жами 18,1 триллион сўм, шу жумладан, давлат фойдасига 7,5 триллион сўм амалда ундирилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан умумий ундирув 2,3 баробарга, давлатга ундирув 2,4 баробарга ошган.

Жойлардаги давлат идораларининг амалий ёрдами билан 16 968 нафар эҳтиёжманд қарздорнинг 9 751 нафари иш билан таъминланиб, 39 нафарига имтиёзли кредит ажратилган. 366 та қарздорликнинг тўлаш муддати узайтирилган, 6 та ташкилотга инвесторлар жалб қилинган.

Шу билан бирга, мажбурий ижро соҳасида айрим ўз ечимини топиши зарур бўлган масалалар ҳам мавжуд эканлиги таъкидланди. Жумладан:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижроси тўлиқ ва ўз вақтида таъминланиши;

жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари асосида қопланиши ва ушбу масалани якунига етказиш чоралари кўрилиши;

алимент қарздорлиги билан боғлиқ ижро ҳужжатларини тўлиқ ва ўз вақтида ижроси таъминлаб борилиши, шу жумладан, ишсиз алимент тўловчиларнинг бандлигини таъминлаш бўйича чоралар кўрилиши каби масалаларга эътибор қаратилди.

Ўз ўрнида, сенаторлар томонидан ижро тизимига тегишли идоралар билан биргаликда ахборот технологияларини кенг жорий этган ҳолда ижро тизимида фуқароларга қўшимча қулайликлар яратиш чоралари кўрилиши зарурлиги таъкидланди.

Мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди ҳамда ушбу масала парламент назоратида қолдирилди.

Сўнгра экспорт ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлаш ва унинг номенклатурасини диверсификациялаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Очиқ ва ҳар томонлама муҳокама жараёнида ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш, мамлакатимиз корхоналари, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини кенгайтириш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири экани алоҳида таъкидланди.

Ташқи савдо ҳажмларининг изчил ўсишини таъминлаш ва экспортни рағбатлантиришга қаратилган таркибий ўзгартиришлар тизимли асосда татбиқ этилмоқда. Хусусан, валюта сиёсати либераллаштирилиб, бир қатор маъмурий ва бюрократик тўсиқлар бартараф этилди. Экспорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотларининг нархини белгилаш ва уларга ҳақ тўлашнинг бозор механизми йўлга қўйилди, экспорт қилувчилар учун қатор солиқ имтиёзлари ва преференциялар жорий этилди.

Сенаторлар таъкидлаганидек, амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ташқи савдо ҳажмининг барқарор ўсиш динамикаси кузатиляпти. Жумладан, 2017 йилда 26,5 миллиард долларни, 2018 йилда 33,4 миллиард долларни, 2019 йилда 41,7 миллиард долларни, 2020 йилда 36,3 миллиард долларни ташкил этган. 2021 йилнинг январь-октябрь ойларида бу кўрсаткич 32,6 миллиард долларни ташкил қилган, шу жумладан, экспортга 12,4 миллиард доллар, импортга эса 20,2 миллиард доллар тўғри келган.

Экспорт қилувчи корхоналар сони 5 400 тага етиб, сўнгги тўрт йилда 1 891 тага (35 фоиз) ўсди, бу, ўз навбатида, 561 миллион долларлик қўшимча экспортни таъминлади.

Мамлакатимиз экспорт таркибида хомашё улуши камайди. Жумладан, агар 2017 йилда хомашё товарлари жами экспорт умумий ҳажмининг 25 фоизини ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 16 фоизга қисқарди.

Экспорт қилинадиган товарлар номенклатураси сезиларли даражада диверсификация қилинди, 2021 йилга келиб 2 365 номга етди.

Шу билан бирга, Халқаро муносабатлар, Ташқи иқтисодий алоқалар, Хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган ўрганишлар давомида аниқланган салбий омиллар Сенат аъзоларини жиддий хавотирга солди.

Хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тез-тез ўзгариб туриши ва уларнинг экспорт қилувчи корхоналар томонидан тартибга солиш таъсирини тўғри баҳоланмасдан туриб қабул қилиниши уларнинг фаолиятида қийинчиликларга олиб келмоқда.

Экспорт қилувчилар томонидан суғурта хизматларидан гаров сифатида фойдаланганда суғурта мукофотини қоплаш, шунингдек, савдо уйларини очиш ва сақлаб туриш, офис, савдо ва омборхоналарни ижарага бериш, хорижда реклама кампанияларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш механизмлари талаб даражасида ишламаётгани ҳам сенаторлар томонидан танқид қилинди.

Муҳокама чоғида мамлакатда халқаро аккредитациядан ўтган, маҳаллий қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини текшириш ва сертификатлаш имкониятига эга бўлган миллий лабораториялар мавжуд эмаслиги танқид қилинди.

Муҳокама якунлари бўйича Сенатнинг Вазирлар Маҳкамасига тегишли парламент сўрови юбориш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисда Айдар-Арнасой кўллар тизимида юзага келаётган муаммоларнинг экология ҳамда аҳоли саломатлигига таъсири юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш масаласи ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда Айдар-Арнасой кўллар тизимининг экологик ва биологик муҳитини яхшилаш, ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муайян ишлар амалга оширилган.

Хусусан, "Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси" ДУК ташкил этилиб, кўллар тизимининг қирғоқ бўйи минтақаларида балиқ етиштириш парваришхоналари, инкубация цехлари ҳамда балиқ ўстириш ҳавзаларини қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, Айдар-Арнасой кўллар тизимидан фойдаланишда қатор муаммоли масалалар сақланиб қолаётгани таъкидланди.

Хусусан, кўллар тизимининг сув ҳажми 1994-2000 йилларда 44,1 миллиард $м^3$ бўлган бўлса, "Чордара" сув омборидан 2013-2021 йилларда кўллар тизимига сув ташланмаганлиги боис сув ҳажми 34 миллиард $м^3$ гача пасайган.

Сув сатҳининг пасайиши ва сув таркибининг шўрланиши натижасида айрим қирғоқ бўйлари 15-50 метрга ортга чекиниб, 15-20 см гача туз қатлами ҳосил бўлган. Бу эса кучли шамол вақтида тузли чангларга сабаб бўлмоқда, қишлоқ хўжалиги ерлари экин майдонлари ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қайд этилганидек, кўллар тизимида балиқчилик соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар етарли даражада ташкил этилмаган.

Балиқ захираларини сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш бўйича назорат тизими тўғри йўлга қўйилмаганлиги оқибатида ноқонуний балиқ овлаш ҳолатлари учрамоқда.

Кўллар тизими ҳудудида белгиланган меъёрлар асосида балиқлантириш, балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш, экотуризмни ривожлантириш, сувнинг шўрланиш даражасини юмшатиш ишлари тизимли ташкил этилмаган.

Балиқ овлаш контурларини ижарага бериш, ижара ҳақини ундириш, балиқ захираларини муҳофаза этиш, овлаш қоидаларига риоя қилишни назоратга олиш, балиқ овлашда фойдаланадиган техникаларни рўйхатга олиш ва уларнинг назоратини юритиш ишлари турли давлат органларига юклатилган ва уларнинг фаолияти мувофиқлаштирилмаган.

Кўллар тизимидан фойдаланиш бўйича қабул қилинган ҳужжатларда номувофиқлик ҳолатлари мавжуд. Шунингдек, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича туман (шаҳар) инспекцияларига Айдар-Арнасой кўллар тизимини муҳофаза қилиш бўйича штат бирликлари ажратилмаган.

Муҳокама якунида ушбу масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш юзасидан Олий Мажлис Сенатининг қарори қабул қилинди.

Шунингдек, ялпи мажлисда сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 3-банди ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ Шуҳрат Муҳаммадович Маҳмудов, Рустам Раҳмонович Ҳайдаров ва Джамол Жаҳонович Чориевни ўн йиллик муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шундан сўнг ялпи мажлисда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасининг 2020 ва 2021 йилнинг ўтган давридаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида қўмита томонидан 3 та қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилган. Хусусан, қонунлар ҳудудлар манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, танқидий таҳлил қилинган. Қонунлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида соҳа мутахассислари, тажрибали амалиётчилар ва жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда муҳокама қилиниб, Сенат ялпи мажлисига киритилган.

Шунингдек, қарор қабул қилиш ва ижро этишнинг барча босқичларида хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида тенглик тамойилини татбиқ этишга кенг қамровли ёндашувни назарда тутувчи 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси қизғин муҳокамалар асосида қабул қилинган.

Назорат-таҳлил фаолияти доирасида 22 та тадбир ўтказилган. Жумладан, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш соҳасидаги қонунларнинг жойлардаги ижроси 4 маротаба, хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш каби соҳаларда 7 маротаба ўрганишлар олиб борилди.

Ўтган давр мобайнида қўмита томонидан 4 316 та турли тадбирлар ўтказилган.

Қўмита ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, Республика Хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши, давлат ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, кенг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг Ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссия раислари билан фаол ҳамкорлик ҳамда ўзаро мулоқот йўлга қўйилган.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, эришилган натижалар ва ўз ечимини кутаётган масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, "Ўзбекистон тараққиётида парламентдаги аёлларнинг роли" мавзусида аёллар форумини ўтказиш анъанага айланган.

Манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда "Йил аёли", "Гендер тенглик фаоли" миллий танловларини ўтказиш йўлга қўйилган.

Сенатга келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, жойларда аҳоли билан учрашувлар ва сайёр қабуллар ҳамда ижтимоий тармоқлардаги мурожаатларда кўтарилган масалалар юзасидан қўмита томонидан 2 та парламент сўрови тайёрланган.

Жорий йилда қўмита томонидан Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига маҳаллалардаги ҳолат, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш тўғрисида масала киритилган.

Қонунлар ижроси ҳолати, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонуности ҳужжатлар қабул қилиниши жараёнини ўрганиш фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти билан биргаликда "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида", "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида", "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида", "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" ва "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларини амалга оширишга қаратилган қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши ҳамда амалда қўлланилиши ҳолати мониторинг қилинди.

Қўмита аъзолари томонидан фуқаролар мурожаатлари билан ишлар амалга оширилди. Ҳисобот даврида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 17 мингдан ортиқ ёзма мурожаат кўриб чиқилган.

Қўмита аъзолари томонидан Сенатда ва жойларда жами 4 мингдан ортиқ фуқаролар қабул қилинган.

Ҳисобот даврида қўмита аъзолари сайловчиларни ташвишга солаётган муаммоларни чуқур ўрганиш ва улар ечими юзасидан зарур чоралар кўриш мақсадида ўз сайловчилари билан 562 та учрашув ўтказган.

Шунингдек, тегишли ҳудуд ва сайловчилар манфаатларига тааллуқли муаммоларни ҳал этиш борасида парламент назоратининг сенатор сўрови шаклидан ҳам самарали фойдаланиб, мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахслар манфаатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан 85 та сенатор сўрови юборилган.

Сенат томонидан маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка тушунтириш, фуқароларга давлат дастурларини ижро этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот бериш мақсадида телевидение, радио, ижтимоий тармоқлар ва босма даврий нашрларда 12 мингга яқин материал эълон қилинган.

Муҳокама якуни бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шуниң билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

***Ўзбекистон Республикаси***
***Олий Мажлиси Сенати***
***Ахборот хизмати***

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг*

**ҚАРОРИ**

# Маъмурий ишларни кассация тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида

◀ **(Бошланиши 1 ва 3-бетларда)**

Ушбу масалалар суд мажлисида ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлиси ўтказилиши вақти ва жойи ҳақида хабардор қилган ҳолда кўрилади. Бироқ, мазкур шахсларнинг келмаслиги бу масалаларни ҳал этиш учун тўсқинлик қилмайди.

35. МСИЮтК 173, 247-моддаларига мувофиқ, биринчи инстанция судининг ажрими ва апелляция инстанцияси судининг қарори устидан, агар бу қонунда назарда тутилган ёки у ишнинг келгусидаги ҳаракатланишига тўсқинлик қиладиган бўлса, кассация тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Биринчи инстанция суди ажрими ва апелляция инстанцияси суди қарори устидан кассация тартибида шикоят (протест) бериш ва кўриш суднинг ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти (протести) бериш ва кўриш учун назарда тутилган қоидалар бўйича амалга оширилади.

36. МСИЮтК 247-моддасининг учинчи қисмига кўра, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция суди ажрими ва апелляция инстанцияси суди қарори устидан берилган шикоятни (протестни) кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидагиларга ҳақли:

ажримни ва қарорни ўзгаришсиз қолдиришга, кассация шикоятини (протестини) қаноатлантирмасдан қолдиришга;

ажримни ва қарорни ўзгартиришга ёки бекор қилишга ва ишни янгидан кўришга юбормасдан янги қарор қабул қилишга;

ажримни ва қарорни бекор қилишга ва аризани, ишни кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборишга;

апелляция шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш, апелляция шикоятини (протестини) қайтариш, апелляция шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш, апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш, апелляция инстанцияси судида иш бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ажримни бекор қилишга ва апелляция шикоятини (протестини) ишни апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборишга;

суд ҳужжатларининг баъзиларини бекор қилишга ва иш бўйича илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бирини ўз кучида қолдиришга.

Ариза биринчи инстанция судининг иш юритишга қабул қилингандан сўнг чиқарилган ажрим бекор қилинганда (масалан, аризани кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш ва ҳ.к.), кассация инстанцияси суди ишни мазмунан кўриш учун биринчи инстанция судига юборади.

37. Қонунга кўра, кассация инстанцияси суди судьясининг кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш, кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисидаги ажрими кассация шикоятини берган (протестини келтирган) шахснинг аризаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки унинг ўринбосарининг ажрими билан бекор қилиниши мумкин.

Кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш, кассация шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки унинг ўринбосарининг протести бўйича бекор қилиниши ва иш кассация тартибида мазмунан кўриб чиқилиши мумкин.

Кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш, кассация шикоятини (протестини) қайтариш, кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш, кассация шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажримни бекор қилиш ҳақидаги ариза суд ҳужжати устидан кассация шикояти бериш муддати давомида, ушбу муддат тугаган ҳолда эса, ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ой муддат ичида берилиши мумкин.

38. МСИЮтК 224-моддасида кўрсатилган шахслар ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида протест келтириш ҳақидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарларига мурожаат қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарлари МСИЮтК 244-моддаси биринчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида протест келтиришга ҳақли.

Ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида протест киритиш ҳақидаги ариза кассация шикояти (протести) бериш муддати давомида, ушбу муддат ўтган ҳолда эса, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой муддат ичида берилиши мумкин. Ушбу муддатлар ўтгандан сўнг берилган аризалар кўриб чиқилмайди ва ўтказиб юборилган муддатлар тикланмайди.

Иш такроран кассация тартибида беш нафар судьядан иборат таркибда умумий асосларда кўриб чиқилади.

39. Кассация инстанцияси суди давлат органи ёки бошқа орган, ташкилот, мансабдор шахс ёки фуқаронинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилиши факти аниқланганда, уларнинг суд процессида иштирокидан қатъий назар, хусусий ажрим чиқаришга ҳақли. Агар суд уларнинг ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, бу ҳақда жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда прокурорга хабар беради.

Хусусий ажрим чиқарилганлиги ҳақида суд мажлисида эълон қилинади ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади.

40. Кассация шикояти иш кассация инстанцияси судида кўрилгандан сўнг келиб тушганда, уни берган шахсга ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида протест келтириш ҳақидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарларига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

41. Маъмурий ишларни ўз вақтида ва тўғри ҳал этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ишларни кассация тартибида кўриш бўйича суд амалиётини ҳар чоракда умумлаштириш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси** **К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби, Олий суд судьяси** **И. АЛИМОВ**

*Моҳият*

# Бола ҳуқуқлари кафолатлари

*давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади*

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Олий Мажлис Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлисида маъқулланиб, жорий йилнинг 7 декабрида Президентимиз томонидан имзоланган **"Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонунга мувофиқ, амалдаги бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани ҳам ана шундай ислоҳотларнинг мантиқий давомидир.

Янги қонунга кўра, эндиликда жиноий жавобгарликка тортишнинг энг кичик ёши 14 ёш этиб белгиланди. Бу кўрсаткич амалда 13 ёш эди.

Бундан ташқари 16 ёшгача бўлган вояга етмаганлар билан моддий қимматликлар бериш ёхуд мулкий манфаатдор этиш орқали жинсий алоқа қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланмоқда. Мазкур соҳадаги жиноятлар учун жазо чоралари кучайтирилмоқда.

Жиноят кодексининг 128-моддасида (ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш) озодликдан маҳрум қилиш жазосининг максимал муддати 5 йилдан 7 йилгача оширилмоқда.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 129-моддаси 1-қисмидаги (ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш) озодликдан маҳрум қилиш жазоси 1 йилдан 2 йилгача кўпайтирилмоқда.

Бундан ташқари суд-тергов жараёнида бола ҳуқуқларининг процессуал кафолатлари кучайтирилмоқда. Жумладан, вояга етмаган жабрланувчи ёки гувоҳни сўроқ қилишнинг умумий давомийлиги кун давомида, дам олиш ва овқатланиш учун бир соатлик танаффусни ҳисобга олмаганда, 4 соатдан ошмаслиги белгиланмоқда (амалда 8 соат эди).

Эндиликда вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилишда педагог билан бир қаторда психолог ҳам қатнашиши шарт.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз мустақилликнинг илк давридаёқ бола ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилади. Шу боис энг аввало БМТнинг 1989 йилда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилди. Ўзбекистон ушбу Конвенцияга қўшилгач, бола ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича бир қатор халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни ўз зиммасига олди. Шундан буён мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасига Конвенция талабларини бажарилиши тўғрисида доимий равишда ҳисоботлар тақдим этиб келмоқда.



Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция БМТнинг болаликни муҳофазалаш бобидаги энг универсал халқаро ҳужжати ҳисобланади. Унда белгиланган халқаро ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш мақсадида "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Ушбу қонунда бола ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган барча халқаро қоидалар ўз ифодасини топган. Қолаверса, мамлакатимизда болалар ва ёшлар фаолиятига доир 40 дан ортиқ қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қамраб олинган.

Энг муҳими, бу борадаги ислоҳотларни мувофиқлаштириб бориш мақсадида мамлакатимизда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий қилинди. Вакил, яъни Болалар омбудсмани ҳузурида Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик кенгаши ҳам ташкил этилди.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган тарзда бажаради, дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Олий Мажлис палаталарининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас. Болалар омбудсманига нисбатан жиноят иши фақат Бош прокурор томонидан қўзғатилиши мумкин. Уни мажбурий келтиришга, ушлаб туришга йўл қўйилмайди.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари қуйидагича белгиланган:

- вакил БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини бажариш стратегиясини ва бола ҳуқуқлари масалалари бўйича бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

- болалар ва уларнинг қонуний вакиллари орасида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тушунтиради ҳамда миллий нормалар қоидаларини тарғиб қилади;

- аҳоли ўртасида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари масалалари бўйича ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга кўмаклашади;

- бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг ижросини ўрганади;

- имконияти чекланган болалар, шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тарбия муассасаларини тамомлагандан кейин уларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашади;

- бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиради.

Умуман, бола ҳуқуқлари ва қонуний манфааатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ёш авлод келажагига хизмат қилиши баробарида миллий қонунчилик асосларини мустаҳкалашга қаратилгани билан эътиборга молик.

**Сардор АЛИМАРДОНОВ,**
*Олий суд бошқарма бошлиғи*
**Ойбек ҚАҲҲОРОВ,**
*Олий суд кадрлар бошқармаси бош консультанти*

*Ҳуқуқ ва кафолат*



# Ундирилган маънавий зарар

*ёхуд суд-ҳуқуқ ислоҳотлари самараси*

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Қува туманида яшовчи Маъруфжон Тиллаев ана шу конституциявий ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ўзига етказилган маънавий зарарни суд орқали ундирди. Аниқланишича, Қува шаҳар ҳокимининг 1998 йил 11 июлдаги 152/07-сонли қарорига асосан М.Тиллаевга Қува шаҳри, Аҳмад Яссавий кўчасидаги тўрт қаватли турар жой бинолари олдида 24 квадрат метр ер майдонида хусусий савдо дўконини қуриш учун рухсат берилган.

Қува тумани ҳокимининг 2016 йил 22 декабрдаги 915-сонли қарорига биноан қуриб битказилган савдо дўконига нисбатан Маъруфжон Тиллаевнинг эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Аммо 2018 йил 31 мартда туман ҳокимининг 564-сонли қарорига асосан Аҳмад Яссавий кўчасида жойлашган жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган 24 та савдо дўконлари ҳеч қандай огоҳлантиришсиз бузиб ташланган. Мазкур бино-иншоотлар эгаллаган ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган. Шунингдек, Қува тумани ҳокимининг 2018 йил 29 майдаги 872-сонли қарори билан дўкон эгаларига, шу жумладан, М.Тиллаевга савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноларини қуриш учун Бўстон ва Мурувват кўчалари кесишмасидаги бўш ер майдонларидан ер участкалари ажратиб берилган. Бироқ мулкдорга Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги "Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 97-сонли қарорида назарда тутилган зарар миқдори қоплаб берилмаган. Оқибатда М.Тиллаев айни ҳолатдан жиддий маънавий зарар кўрган. Шу сабабли у фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига мурожаат қилиб, моддий зарар билан бирга 50 миллион сўм маънавий зарар ундириб беришни сўраган. Лекин биринчи босқич суди 2021 йил 26 майда даъво талабини қисман қаноатлантириб, даъвогарга 25 миллион сўм миқдорида маънавий зарар ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, суднинг ушбу қарори М.Тиллаевни қониқтирмаган. Натижада у Фарғона вилояти судига апелляция шикояти билан мурожаат қилган.

Дарҳақиқат, Фарғона вилояти судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг қарори билан келишмади. Чунки савдо дўконининг бирорбир огоҳлантиришсиз, қолаверса, ўзининг иштирокисиз бузилиши, тадбиркорлик фаолияти ва моддий даромадидан маҳрум бўлиши оқибатида иккинчи гуруҳ ногирони бўлган Маъруфжон Тиллаев жиддий равишда соғлигини йўқотган. Бу ҳам етмагандек, судгача бўлган вақт мобайнида ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида турли идораларга қатнаб, жисмоний ва руҳий азоб чеккан.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 1021 ва 1022-моддаларига кўра, маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан пул билан қопланади. Маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек, айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади. Зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлилик талаблари эътиборга олиниши лозим. Жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланади. Маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулкий зарардан қатъи назар, қопланади.

Қисқаси, Фарғона вилояти суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 19 августдаги ажрими билан фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 2021 йил 26 майдаги ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, Қува тумани ҳокимлигидан Маъруфжон Тиллаев фойдасига 50 миллион сўм маънавий зарар ундириш белгиланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 29 йиллиги муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табригида **"Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутадиган суд тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда"** дея алоҳида таъкидлади. Юқорида баён этилган воқеа ана шу кенг кўламли ислоҳотларнинг ёрқин ифодасидир.

**Бузрукхон АБРОРОВ,**
*Фарғона вилояти суди судьяси*

*Ҳуқуқий маърифат*

# Шартнома мажбурияти

*уни бажаришнинг моддий таъминоти*

***Маълумки, жамиятда иқтисодий муносабатларни тартибга солишда шартнома муҳим ўрин тутади. Ўз навбатида, шартнома шартларини тўлиқ рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган омиллар ҳам қонунчиликда белгиланган. Шулардан бири закалатдир.***

Хўш, закалат деганда нима англашилади? Бу тушунча шартнома шартлари бажарилишида қандай ўрин тутади?

Закалат — шартнома тузган томонлар ўртасида мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларидан бири. Амалдаги Фуқаролик кодексида закалатни амалга ошириш тартиби аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, кодекснинг 311-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, шартнома тузаётган тарафлардан бири шартнома тузилганини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берадиган пул суммаси закалат ҳисобланади.

Закалатни бўнак, яъни олдиндан тўлов билан адаштирмаслик керак. Чунки закалат мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг қонун билан аниқ тартибга солинган усулларидан бири бўлса, бўнак шартнома бўйича тўловнинг олдиндан амалга ошириладиган бир қисми ва у қонунчиликда алоҳида тартибга солинмаган.

Асосийси, закалат тўғрисидаги келишув закалатнинг суммасидан қатъи назар, ёзма равишда тузилиши керак. Закалат тўғрисидаги келишувнинг ёзма шаклига риоя этилмаслиги унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. Бу ҳолатда закалат сифатида ўтказилган маблағ бўнак деб ҳисобга олинади.

Ҳаётда тадбиркорлик субъектларининг ўзаро шартномавий муносабатларида мажбуриятларнинг бажарилиши таъминоти сифатида закалатдан фойдаланиш ҳолати кам учрайди.

Аммо махсус ахборот портали оператори орқали ўтказилаётган давлат харидларида мажбуриятларнинг бажарилиши таъминоти сифатида закалатдан тўлиқ фойдаланилмоқда.

Адлия вазирлигида 2018 йил 21 майда давлат рўйхатидан ўтган **"Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисида"**ги Низомнинг 34-бандига мувофиқ, корпоратив буюртмачи ва иштирокчи электрон давлат харидларида иштирок этиш учун ўзларининг ҳисоб-китоб клиринг палатасидаги ҳисоб рақамларига закалат тўловини ўтказади.

Айтиш керакки, закалат ҳуқуқий табиатига кўра, жарима санкцияси ҳисобланади. Чунки шартноманинг бажарилмаслиги учун закалат пули берган тараф жавобгар бўлса, закалат иккинчи тарафда қолади. Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун закалат олган тараф жавобгар бўлса, у иккинчи тарафга закалатни икки баравар қилиб қайтариши шарт.

Бундан ташқари шартноманинг бажарилмаслиги учун жавобгар бўлган тараф, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, закалат суммасини ҳисобга олган ҳолда иккинчи тарафга зарарларни тўлаши ҳам шарт.

Кўриниб турибдики, закалат — нафақат шартнома тарафларининг ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаришини таъминлашга хизмат қилади, балки шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги оқибатида жабрланувчи тараф зарар кўришининг олдини ҳам олади.

Шу ўринда ҳаётий бир мисолга эътибор қаратамиз. "А." масъулияти чекланган жамияти "Б." акциядорлик жамиятига умумий қиймати 100 миллион сўм бўлган тикувчилик дастгоҳларини етказиб беришга буюртма беради. "Б." акциядорлик жамияти ушбу тикувчилик дастгоҳларини ўзи ишлаб чиқаради, уларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган эҳтиёт ва бутловчи қисмларни эса, чет элдан импорт қилади.

Шу боис "Б." акциядорлик жамиятига талаби билан тарафлар ўртасида "А." масъулияти чекланган жамиятининг шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида шартнома баҳосининг 20 фоизини ташкил этувчи закалат келишуви расмийлаштирилади. Закалат келишувига мувофиқ, масъулияти чекланган жамияти акциядорлик жамиятининг ҳисоб рақамига 20 миллион сўм миқдорида закалат суммаси ўтказади.

Аммо кейинчалик масъулияти чекланган жамияти шартномани бажармайди, етказиб берилган тикувчилик дастгоҳларини қабул қилиш ва улар учун тўловни амалга оширишдан бош тортади. Тарафларнинг ўзаро закалат келишувида назарда тутилган закалат суммаси жарима санкцияси сифатида бевосита акциядорлик жамияти ҳисобида қолади.

Бу ҳолатда закалат ҳақидаги келишувнинг мавжудлиги акциядорлик жамиятининг шартнома шартлари бажарилмаслиги оқибатида кўриши мумкин бўлган зарарнинг олдини олди.

Агар бунинг акси бўлганида, акциядорлик жамияти масъулияти чекланган жамиятига шартнома шартларини бажармаганлиги учун закалат пулини икки баробар миқдорида қайтаришга мажбур бўларди.

Закалатнинг ҳуқуқий табиатига кўра, аксарият ҳолларда жабрланувчи закалат суммасини ундириш ҳақида судга мурожаат қилишига сабаб бўлмайди. Чунки закалат суммаси жабрланувчининг ихтиёрида бўлади ва закалат келишувига мувофиқ ушбу суммани ўз ҳисобида олиб қолишга ҳақли бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, закалат ҳақидаги келишув шартнома тарафларининг ўз мажбуриятларини бажаришнинг таъминоти бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, у тараафларнинг ушбу шартнома ижро этилишидан манфаатдор эканининг исботи ҳам ҳисобланади.

**Акмал РАҲИМОВ,**
*Сирдарё вилояти суди раиси ўринбосари*

*Менда таклиф бор...*

# Суғурта пулини ундириш

*уни суд буйруғи тартибида ҳам ҳал этиш мумкин*

***Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида шиддат билан амалга оширилаётган ислоҳотлар суд ҳокимияти мустақиллигини амалда таъминлаш, фуқароларга ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қила олиши учун қулай шароит яратиш ҳамда судларнинг иш юритиш тартибини соддалаштиришга хизмат қилмоқда.***

Хусусан, ўз вақтида амалдаги қонунларга "Буйруқ тартибида иш юритиш" ҳақидаги қоида киритилгани муҳим воқеа бўлганди. Чунки ушбу ҳуқуқий институтининг аҳамияти шундан иборатки, илгари ундирувчининг қарздордан пул маблағларини ундириш ёки кўчар мулкни низосиз тарзда қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризалари бўйича иш тарафлар суд мажлисига чақирилган ҳолда кўриб чиқилган. Суд буйруғи институти жорий этилгач, мазкур тоифадаги аризалар бўйича судья ишни суд мажлисида кўрмасдан ва тарафларни суд муҳокамасига чақирмасдан суд буйруғи чиқариш ваколатига эга бўлди.

2018 йил 1 апрелга қадар амалдаги Фуқаролик процессуал кодексида 5 талаб юзасидан суд буйруғи чиқарилган бўлса, 2018 йил 22 январда янги таҳрирда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодексида 8 талаб юзасидан, 2019 йил 22 октябрда киритилган ўзгартиришларга



асосан 9 талаб юзасидан суд буйруғи чиқарилиши белгиланган. Бу фуқароларни ортиқча оворагарчиликдан халос этиб, аризаларни тезкор ва сифатли кўриб чиқиш имкониятини яратди.

Шу ўринда хориж тажрибасига назар соладиган бўлсак, Германия ва Озарбайжон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида автомобил суғуртаси бўйича келиб чиқадиган низолар ҳам суд буйруғи тарзида ҳал этилиши белгиланган. Ушбу қоида мамлакатимиз қонунчилигига ҳам киритилса, аҳолига яна бир қулайлик яратилган бўлар эди. Чунки "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонунга асосан суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда жабрланувчиларга уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ушбу суғурта ҳодисаси оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта пули доирасида қоплаш мажбуриятини олади. Бинобарин, мазкур нормага асосан суғурта пули ундирилишида ҳеч қандай низо мавжуд эмас. Шу сабабли ушбу талаб бўйича даъво аризаларни суд буйруғи тартибида ҳал этиш ҳар тарафлама фойдалидир.

**Бахтиёр АЛИМЖОНОВ,**
*Судьялар олий мактаби тингловчиси*

*Қилмиш-қидирмиш*

# Иснод юки

***Ҳаётда жиноий қилмишга қўл урган кимсаларнинг аксарияти жазо тайинлаш чоғида пушаймонлигини билдиришади. Олтмиш ёшли ҳазорасплик Комил Саидхонов ҳам (исм-шарифлар ўзгартирилган) шундайлар сирасидан. Аслида бунга унинг ўзи сабабчи бўлди. Яъни ноқонуний қилмиш кулфат келтиришини билса-да, ҳалол меҳнати билан топган ризқ-насибасига қаноат қилмади.***

Шу боис Саноат қишлоғида яшовчи Ҳамза Ёқубовнинг мўмай даромад ҳақидаги таклифини дарҳол қабул қилди.

Гапни узоқдан бошласак, Ҳамза таниши К.Саидхоновга иморат қуриш учун ер майдони излаётганини айтиб қолади. Шунда Комил Саидхонов ўзига тегишли Янгибозор қишлоғи "Алоқали кўл" маҳалласи ҳудудида 13 сотих бўш ер майдони борлигини маълум қилади. Аслида у туман ҳокимлиги заҳирасидаги ер майдони бўлиб, мутасадди ташкилотларнинг назоратсизлиги ва лоқайдлиги туфайли К.Саидхонов ундан ўзбошимчалик билан фойдаланиб келаётган эди.

**(Давоми 6-бетда)** ▶

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ташкил этилганига 25 йил тўлди. "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналининг 2021 йилдаги 4-сони асосан ушбу санага бағишланган.**




*Мутолаа*

# Чорак аср инсон ҳимоясида

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари М.Бачелет, Ислом ҳамкорлик тшкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси ижроия директори М.Бут, Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши раиси В.Фадеев, Хитойнинг Ўзбекистондаги элчиси Цзян Янь, К.Аденауэр номидаги жамғарманинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Р.Хайне Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази 25 йил давомида мамлакатда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва асосий манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантиришга салмоқли ҳисса қўшиши билан бир қаторда ушбу йўналишда халқаро миқёсда ҳам фаоллик кўрсатаётганини таъкидлашган.

Шунингдек, журналда Конституциямизнинг 29 йиллиги муносабати билан эълон қилинган Адлия вазири Р.Давлетов, Тошкент молия институтининг профессори Т.Норбоевнинг мақолаларида Асосий Қонунимиз инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати экани, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари устувор аҳамиятга эгалиги илмий асосда таҳлил қилинган.

Шунингдек, журналда "Янги Ўзбекстон ва инсон ҳуқуқлари", "Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон тажрибаси", "Жамият ва ҳуқуқ", "Тарих саҳифаларида" рукнлари остида чоп этилган мақолаларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари, гендер тенглигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашдаги ўрни каби кўплаб долзарб ва қизиқарли мавзулар ёритилган.

**Б.РАЙИМОВ,**
*журналист*

*Қонун кўмаги*

# Маданий мерос ҳимояда



## судда конституциявий ҳуқуқ тикланди

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Аммо Учкўприк тумани ҳокимлиги ушбу конституциявий қоидага беписанд муносабатда бўлиб, ғайриқонуний қарор қабул қилди.

Маълумки, мамлакатимиз турли тарихий обидалар, археологик ёдгорлик ва муқаддас қадамжоларга жуда бой. Учкўприк туманининг "Ғожи Ғиждон" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган Ғанчи масжиди ана шулардан биридир.

XIX асрнинг охирида барпо этилган ушбу маскан Фарғона вилояти ҳокимининг 2006 йил 5 августдаги "Вилоят ҳудудидаги маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни тартибга солишнинг қўшимча чора-тадбирлари ҳақида"ги қарорига биноан меъморий ёдгорликлар рўйхатига киритилган. Қолаверса, у Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 декабрдаги "Тарихий бадиий ёки ўзга маданий қимматлиги туфайли гаров ва ипотека қўлланилиши мумкин бўлмаган объектлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги 335-сонли ҳамда 2019 йил 4 октябрдаги "Моддий маданий меросни кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги 846-сонли қарорларига илова қилинган рўйхатда ҳам қайд этилган.

"Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"-ги қонуннинг 23-моддасида давлат мулкида турган моддий мерос объектлари давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши мумкин эмаслиги белгиланган. Бироқ Учкўприк тумани ҳокими 2017 йил 2 августдаги 1034-сонли қарори билан масжидни якка тартибдаги тадбиркор Х.Содиқовга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериб юборган. Тадбиркор бу ерда тикувчилик цехи ташкил этган.

Шу боис Фарғона вилояти Маданий мерос бошқармаси Учкўприк тумани ҳокимининг 2017 йил 2 августдаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида Фарғона туманлараро маъмурий судига даъво ариза киритди.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 67-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаб бериши керак. Аммо Учкўприк тумани ҳокимлиги мутасаддилари туман ҳокимининг 2017 йил 2 августдаги 1034-сонли қарори қонуний эканини судда асослаб бера олмади.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 189-моддасида "Суд устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қоидалари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонун ҳужжатларига зид эканлиги ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузаётганлигини аниқласа, қарорни ёки унинг айрим қисмларини ҳақиқий эмас ёхуд ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади" дея қайд этилган. Бинобарин, суд даъвони қаноатлантириб, Учкўприк тумани ҳокимининг 2017 йил 2 августдаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Маданий мерос — бебаҳо бойлик. Унда халқимизнинг бой тарихи мужассамлашган. Шу боис маданий мерос объектларини асрабавайлашимиз зарур. Бу нафақат қонун талаби, балки инсоний бурчимиз ҳамдир.

**Элмуроджон ОРТИҚОВ,**
*Фарғона туманлараро маъмурий суди судьяси*

*Жаҳонда "Робинзон Крузо" асарини ўқимаган ва билмаган одам кам топилади. Унинг муаллифи Даниел Дефо 500 тадан ортиқ китоб ёзган. Икки ойда ёзиб тугатилган "Робинзон Крузо" асарининг сюжетини ёзувчи тасодифан инглиз денгизчиси Александр Селкиркдан эшитган.*




*Қизиқарли фактлар*

# Даниел Дефо ким бўлган:

## ёзувчими ёки жосус?

Аслида Дефо Чарльз Жонсон тахаллуси остида жуда кўп асарлар ёзган. Уларнинг орасида "Қароқчилик ва қотилликлар тарихи" номли китоби жуда ноёб асарлардан бири ҳисобланади. Аммо Дефо ёзувчиликдан ташқари савдо-сотиқ, журналистика ва жосуслик билан ҳам шуғулланган.

Манбаларда ёзилишича, Дефо ёшлигида ёзувчи бўлишни хаёлигаям келтирмаган экан. У 30 ёшидан бошлаб ёзишга мажбур бўлган. У онасидан жуда эрта етим қолади. Унинг отаси асли келиб чиқиши фландриялик муҳожирнинг ўғли эди. Отаси 8 ёшли Даниелни протестанлар диний академияси қошидаги мактаб-пансионатга ўқишга беради. Бу академияни тамомлаган Дефо руҳоний бўлишни орзу қилган бўлса-да, эркин савдо ва тижорат ходими бўлиб етишади. У савдо ишлари билан Европа, Африкага саёҳат қилади. Саёҳатлардан бирида қароқчиларнинг қўлига тушиб қолади. "Робинзон Крузо"даги қароқчилар инглиз кемасини қандай қўлга олгани ҳақидаги эпизодларни Дефо ўзининг шахсий ҳаётидан олган. Дефо табиатан таваккалчи одам бўлган, у тижорат ишларида омади келмагач, катта миқдорда қарз олиб, кема ишлаб чиқарадиган фабрика ва ғишт заводи қурдирган. Шундан сўнг буткул қарзга ботгани ва ёлғончилиги учун кўп марта қамалган. Бундан ташқари турли хил сиёсий фитналарга ҳам аралашиб қолган. Хусусан, у қирол Яков II га қарши 1688-1689 йиллардаги герцог Монмут бошчилигидаги исёнда қатнашади. Аммо давлат тўнтарилиши амалга ошмагач, Англиядан қочишига тўғри келади. 1692 йилда қирол авф этгач, яна Лондонга қайтиб келади.

Бу пайтда Дефо жиноий олам, хусусан, ўғрилар, қароқчилар, фирибгарлар ҳақида жуда кенг билимга эга эди. Шу боис улар ҳақида китоблар ёзади. Бироқ бу Дефога омад келтирмайди. У Португалияда вино савдоси билан шуғулланиб, яна иши юришмайди. 1695 йил Англияга қайтиб, профессионал журналистика билан шуғуллана бошлайди. Ниҳоят, журналистика Дефога омад келтирди. Дефо Англия журналистикасига асос солган инсондир. Албатта, газеталар Дефогача мавжуд бўлган, бироқ уларда бир вараққина ахборот ва маълумотлар берилган, холос. Айнан Дефо интервью жанрини кашф этган. У суҳбатларини турли тоифадаги одамлар, шу жумладан, жиноий оламнинг вакиллари билан ҳам уюштирган.

Даниел Дефонинг саъйҳаракатлари билан жиноий, иқтисодий, сиёсий журналистика жанрлари юзага келган. У долзарб таҳлил ва таклифларни газета орқали оммага етказган. 1697 йилда Дефо "Лойиҳалар тажрибаси" номли китобни ёзиб тугатади. Бу китобда у иқтисодий, молиявий, саноат ислоҳотлари ҳақида ўз таклифларини баён қилган.

Дефо турли ғоя ва фантазияларга бой одам бўлган. У жуда тез ёзган. Мақоларини ёзишда журналистик тўқимадан кўп фойдаланган. У турли хил номлар остида гоҳ қиролнинг ёнини олган, гоҳ бошқа номдан қиролни танқид қилган. Гоҳида ўқувчининг диққатини жалб қилиш учун бошқа ном остида ўзини ҳам заҳархандалик билан танқид нишонига олган.

Унга ҳақиқий машҳурликни "Асл инглиз" номли асари олиб келган. Китоб фавқулодда машҳурликка эришади ва 80 минг нусхада нашр этилади. Ўша пайтда аксарият китобларнинг сони беш юзта бўлгани ҳисобга олинса, бу жуда катта адад эди.

Шу китобдан кейин Дефо қиролга анча яқинлашиб олади ва Британиядаги машҳур сиёсатчилардан бирига айланади. Бироқ қиролнинг ўлимидан сўнг зодагонлар ундан ўч олишга киришади. Черков ва суд Дефони етти йилга қамоқ жазосига ҳукм қилишга эришади. Суд ҳукмида бундан ташқари катта жарима, шармандали тўсинга осиб қўйиш ва халқ олдида сазойи қилиш жазоси ҳам белгиланган. Бироқ халқ унга тош отиш ўрнига гуллар отиб олқишлайди. Бу воқеалар асосида кейинчалик Дефо "Шармандали тўсин мадҳияси" асарини ёзади.

Дефо қамалишидан бироз олдин Британия бош вазирига махсус хизматлар — разведка ва контрразведка ҳақида батафсил маъруза ёзиб юборган. Бош вазир бу маърузани эътиборга олиб, орадан бир йил ўтгач, Дефони қамоқдан чиқариб олади ва унга махсус хизматларни ташкил қилишни буюради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жосуслик ўша даврларда инглизлар учун ўта ёқимсиз иш ҳисобланган. Бироқ Дефо ўзининг ташаббуси билан тузилган жосуслик тузилмасини 19 йил бошқарган. Шу боис у ҳақли равишда инглиз разведкасининг асосчиси ҳисобланади. Бу иш ортидан жуда кўп мамлакатларда бўлган Дефо 1719 йилда истеъфога чиқади ва шу йили унинг бебаҳо асари — "Робинзон Крузо" чоп этилади. Шундан сўнг у жаҳонга машҳур ёзувчига айланади. Шунга қарамасдан у жуда катта миқдорда қарзга ботган ҳолда ижара уйида вафот этади.

"Тақдирнинг ишлари ғаройиб" дегани шу бўлса керак-да...

**Интернет материаллари асосида Ҳумоюн МИРЗО тайёрлади.**

*Қилмиш-қидирмиш*

# Иснод юки



◄ (Бошланиши 5-бетда)

Шу йилнинг 16 март куни икковлон ер майдонини ўлчаб кўришиб, 13 минг АҚШ долларига баҳолашди. Ҳ.Ёқубов келишилган миқдордаги пулни К.Саидхоновнинг қўлига тутқазади. Ўзини ҳимматли қилиб кўрсатган "сотувчи" 300 АҚШ долларини харидорга қайтариб беради. Бироқ олди-сотдини расмийлаштириш чоғида К.Саидхоновнинг жиноий қилмишга қўл ургани ойдинлашди.

Дастлабки тергов ва суд муҳокамаси жараёнида К.Саидхонов қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлик ва астойдил иқрорлик билдириб, оиласи ночор аҳволга тушгани, унинг ёлғиз боқувчиси экани, нафақа эвазига кун кечираётгани, 8 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказгани, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб келгани, етказилган зарарни бартараф этгани, муқаддам судланмаганини билдирди.

Инсонийлик, бағрикенглик — бебаҳо фазилат. Суд ана шу тамойилга таяниб, К.Саидхоновнинг қилмишини тугалланмаган жиноят сифатида эътироф этди. Чунки Олий суд Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги "Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорида қайд қилинишича, мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгалигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этишнинг реал имконига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилиши керак. К.Саидхоновнинг ҳаракати бундай ҳолатлардан ҳоли. У ўзбошимчалик билан фойдаланиб келган ер майдонини 13 минг АҚШ долларига сотган пайтда қилмиши фош этилди. Жиноий ҳаракат айнан шу туфайли унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра тугалланмасдан қолди. Шу боис тергов органи томонидан Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми "а" банди бўйича эълон қилинган айб қайта малакаланди ва тугалланмаган фирибгарлик ҳаракати, яъни қонунбузарликка суиқасд сифатида баҳоланди.

Суд К.Саидхоновга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдоридаги жарима жазоси тайинлади.

Ўзганинг ҳақини фирибгарлик йўли билан ўзлаштиришга қаратилган қилмиш шу тарзда қонуний ва мантиқий якунини топди. Кексалик остонасига қадами етган бир маҳалда К.Саидхоновнинг шаънига доғ тушди. Энди у иснодинг оғир юкини кўтариб яшашга маҳкум. Бу жиноят йўлини танлаган кимсалар учун ҳаётий сабоқ вазифасини ўташи шубҳасиз.

**Илҳом ИСМОИЛОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Тупроққалъа тумани суди раиси*

**Абдулла СОБИРОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

*Жиноят ва жазо*

# Фириб тўрига тушганлар

***Афсуски, сўнгги пайтларда фирибгарлик жинояти ортиб бормоқда. Унинг кўпроқ аёллар томонидан содир этилаётгани янада ачинарли.***




Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида яшовчи Намуна Мамажонова (исм-шарифлар ўзгартирилган) ана шулардан биридир. Бу аёл ўтган йил октябрь ойида таниши Лобар Мадиёровага "KAFOLAT KREDIT GROUP" микрокредит ташкилотидан кредит олиб беришни илтимос қилади.

Асосий қарз ва қўшиладиган ҳамма фоизларини оймаой тўлаб тўлаб боришни ваъда бергач, Лобар опа ўғли ва келинини чақириб, Н.Мамажоновага кўмак беришни тайинлайди. Шундан сўнг Лобар опанинг ўғли Ёқубжон "KAFOLAT KREDIT GROUP" кредит ташкилотига бориб, 512 ва 513-сонли шартномаларга асосан ўзининг номига 11 миллион, рафиқаси Гуллоланинг номига 11 миллион — жами 22 миллион сўм миқдоридаги кредитни Н.Мамажоновага олиб беради. Ўша куни Н.Мамажонова синглиси Дилафрўз Мамажонованинг номига ҳам микрокредит расмийлаштириб олади.

Орадан маълум муддат ўтгач, микрокредит ташкилоти вакиллари Ёқубжон ва Гуллолага қўнғироқ қилиб, микрокредит қарзи ва фоизлари тўланмаётгани учун эътироз билдиришади. Қолаверса, тўловларни ўз вақтида амалга оширишмаса, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига мурожаат қилиш хусусида огоҳлантиришади. Табиийки, Ёқубжон ва Гуллола бу гапни Н.Мамажоновага етказишади. Ўз навбатида, Н.Мамажонова эрта-индин қарзини тўлаб қўйишга ваъда беради. Бироқ у ваъдасини бажармайди. Охир-оқибат жабрланувчилар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат этишади.

Миробод туманида истиқомат қилувчи Зулфизар Дўстназарова ва Рўзигул Сабурова ҳам фирибгарлик йўлини танлашди. Улар молиявий пирамида ташкил қилган ҳолда бир неча нафар фуқарони чув туширишди. Аниқроғи, ўтган йили ҳамтавоқлар олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, "Telegram" ижтимоий тармоғида "Rich peopele klub" дея номланган гуруҳ очишади. Унда ўзлари очган компанияга пул маблағларини сармоя сифатида киритиш, иштирокчиларга жалб қилган маблағига қараб 50, 100 ва 500 АҚШ доллари миқдорида мукофот берилишини эълон қилишади. Шундан сўнг соддадил ҳамюртларимиз уларнинг фириб тўрига илина бошлайди. Жумладан, фирибгарлар М.Исоқованинг 43.371.000 сўм миқдоридаги пул маблағини қўлга киритиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборишади.

Д.Янабаева ҳам Рўзигул Сабурованинг номига расмийлаштирилган пластик картага беш миллион, Зулфизар Дўстназарованинг пластик картасига бир миллион олти юз минг сўм ўтказиб бериб, чув тушади.

Албатта, ҳар иккала ҳолат бўйича ҳам айбдорларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Жиноят ишлари бўйича Миробод тумани суди Н.Мамажоновани Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми, З.Дўстназарова ва Р.Сабурованы 168-моддаси 3-қисми "б" банди билан айбдор деб топиб, қонуний жазо тайинлади.

Фирибгарлик орқали ўзгаларни фириб тўрига илинтирган бу кимсалар энди бировнинг ҳақи бошқага буюрмаслигини англаб етган бўлишса, ажаб эмас.

**Сурайё ХЎЖАМҚУЛОВА,**
*жиноят ишлари бўйича Миробод тумани суди судьяси*

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-1215 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 4305
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22:00. Топширилди: 23:50.